



МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁРНИНГ ИЖТИМОЙ- МАЪНАВИЙ ВА ДИНИЙ-АХЛОҚИЙ МЕРОСИ

Қаршиев Ислом Эгамқулович

ЖДПУ ўқитувчиси

Islomqarshiev0505@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7276425>

ARTICLE INFO

Received: 22nd October 2022

Accepted: 01st November 2022

Online: 03rd November 2022

KEY WORDS

Қуръон, ҳадис, Аллоҳ, устоз, фикҳ, фатво, тақво, мазҳаб, одоб, эҳтиёж, манфаат, тасаввуф, тариқат, ғазал, ишқ, маърифат, тавба, таълим, тарбия, ахлоқ, сўфий, илм, маънавият, маърифат.

Шарҳ илмининг фундаментал асоси Қуръони карим нузули жараёнида шаклланган. Саҳобалар оятларнинг умумий жиҳатлари ва ҳукмларни тўла англаниши ҳолда Қуръоннинг хос ва нозик томонларини фаҳмлашда фарқланган. Чунки саҳобаларнинг барчаси ҳам сўзларнинг маъноси ва оятларнинг нозил бўлиш сабабларини бир хил даражада билмаган. Бундай вақтларда бу оятларни Пайғамбар алайҳиссалом тафсир қилиб берган Расулulloҳнинг вафотидан сўнг айрим саҳобалар оятларни ул зотдан эшитганларига мувофиқ шарҳлаган, тафсир қилган. Вақт ўтиши билан илоҳий Каломни тушуниш йўлида орттирилган бой тажриба инсон ақлий меҳнати маҳсули бўлган манбаларга нисбатан ҳам қўлланган. Натижада ижтимоий-гуманитар, табиий, аниқ фанларга оид айрим асарларга ёзилган

ABSTRACT

Ушбу мақолада шoir ва мутасаввиф аллома Сўфи Оллоёрнинг ижтимоий-маънавий ва диний-ахлоқий ижоди ва меросининг кўлами ва ўзига хос тадқиқ қилинган.

шарҳлар юзага кела бошлаган. Шарҳ илми шу даражада ривожланганки, битта китоб матнига ўнлаб жилдли шарҳлар битилган, ҳатто шарҳларга шарҳлар ёзилган. Жумладан, Жалолиддин Румийнинг машҳур «Маснавийи маънавий» асари Султон Валад, Аҳмад Афлокий, Фаридун Сипаҳсолор, Шамъий, Сарварий, Шиблий Нуъмонийлар томонидан шарҳланган. Ҳофиз Шерозий девонига ҳам бир неча шарҳлар ёзилган. Булар ичида энг эътиборли шарҳ XVI асрда яшаб ўтган турк олими Судий Баснавий қаламига мансуб. Адабиётшунос Н.Комилов ёзишича, Судий Баснавий Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарларини ҳам туркийда шарҳлаган. Ўзбек зиёлилари ҳам луғатлар тузиш ҳамда таржима қилишда бу шарҳлардан фойдаланган.



Чунончи, Саъдий асарини «Шавқи Гулистон» номи билан ўзбек тилига ўгирган Муродхўжа ибн Солиххўжа ҳошия шарҳида Судийга суянади ва унга ҳаволалар қилади[4:182].

Сано лил Холиқи Ғарбойи афлок,
Яратди қатраидин гавҳари пок.

Яъни мақтамоқ ва покламоқ кўку ерларни яратган Аллоҳга бўлсин. Бу иккини яратмоққа аввал сабаб ул эдиким, кўкларда ва ерларда ибрат кўпдир. Зеро, “Ғошия” сурасининг 18-оятида айтилганидек, “Кўрмасмисанки кўкларни, устингизда тиргаксиз турадир?”. Буни ибрат қилиш учун ёки шунинг учундирки, қачон Одам ўғлонлари олами ашбоҳдин олами сувратга келсалар, ўзларини билурлик бўлгач, кўзларига аввал кўринган нарса ер билан кўкдир. Демак, уларни кўриб, бошқа нарсалардан ибрат олмоқ учундир. Бу ерда “ғабро” ер маъносида, “қатра”дан мурод “нутфа”, яъни оталар пуштидан чиқиб, оналар раҳимига жойлашган гуҳари пок-одам ўғлонларидир. Ёки “қатра”дин мурод Абдуллоҳ ибни Абдул Мутталибнинг шаҳват сувидир. “Гуҳари пок”дан мурод эса-Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдир. Ҳар қандай бўлса ҳам, оламда бўлган нарсаларни Холиқ таоло ибрат учун яратди:

Самовот уйини тутди муаллақ,
Жаҳона ҳукмини кўрсатди мутлақ.

Яъни **кўк** уйини тиргаксиз яратди. Аллоҳнинг осмонни тиргаксиз яратганлиги халойиққа ибрат учундир. Сизлар ҳам бу ҳолдан ибрат олиб, Ҳақ таолонинг бирлигини билиб олгайсизлар:

Қилиб **ғабро** мадорин зиммаи хут,
Бани одамга андин қисм этар қут.

Яъни Аллоҳ таоло ернинг аслини балиқ устига қўйди. Шу балиқ устидаги ерларда Аллоҳ одам болаларига ризқ улашиб, бирининг ризқини кенг, бирининг ризқини тор қилди[5:11].

Сўфи Оллоёрнинг китоблари ичида энг салмоқлиси “Маслакул-муттақин” эканлиги уламоларимиз томонидан тан олинган. Чунки, унда юздан ортиқ фатво китобларидан фойдаланилган. Кўп масалаларнинг фатво ва тақво жиҳати кўрсатиб берилган. Шунинг учун ҳам китобда “Фатво ва тақво баён” этилганлиги таъкидланган.

Китобнинг ёзилишига биринчи сабаб-халқда имон моҳиятини чуқурроқ тушунтириш эди. Китобнинг бир қанча мусулмон давлатларида чоп бўлганлиги ва бу асарга махсус луғатлар, ҳатто арабча шарҳлар битилганлиги ҳам фикрларимизга далилдир.

Сўфи Оллоёр фикҳий масалаларни баён қилиш жараёнида оят ва ҳадислардан далил келтирган.Тўрт мазҳаб имомларининг қарашларидаги фарқларга ҳам тўхталади. Ҳар бир масаланинг ҳанафий мазҳабидаги фатвосига тўхталар экан, тақво ҳамда одоб жиҳатларини ҳам эслатиб ўтади. Сир эмас, бугунги кунда кўпчилик ибодатнинг хос одоби ва махсус дуоларини яхши билишмайди. Мазкур китоб ана шу жиҳатлари билан ҳам аҳамиятлидир.

Сўфи Оллоёр китобнинг ёзилишига туртки бўлган иккинчи сабаб шу эканлигини қайд этади:

Важҳи дигар з-толиби илмон,
Донанд онҳо далил сад чандон.
Дар шуруҳ, ҳавоши маълум аст,
Санги мушкел ба наздашон мум аст.
Дар биҳори улум амвожанд,
Ба чунин нусхаҳо на муҳтожанд.



Порае, ки шекастапо ҳастанд,
Толиби шаръи Мустафо ҳастанд.
Фаҳмашон дар баёни Ҳақталаби,
Нанешинад ба нухаи араби.
Шояд, ки он халқро муфид бувад,
Гуфтани ман ба ин умид бувад[5:11].

Мазмуни: Иккинчи сабаби, илм толиблари юзлаб далилларни биладилар, «Шарҳ»лар ва «Ҳошия»лардан уларга маълум. Энг мушкул масалалар тоши улар наздида мум кабидир. Улар илм денгизларининг мавжларидирлар ва бундай китобларга муҳтож эмаслар. Аммо бу фанда оқсоқ бўлганлар борки, гарчи Пайғамбар шариятини ўрганишга иштиёқлари бўлса-да, ҳидоят ҳақидаги китоблар араб тилида бўлгани учун фаҳмлари етмайди. Менинг умидим, шояд айтганларимнинг ўша халққа фойдаси тегса, дейман.

Учинчи сабаби асл исломий эътиқоддан чалғимаслик, ёт мафкураларнинг турли бидъат таълимотларига учмаслик, улар исботлашга уринаётган турли «илмий» қарашларнинг беҳудалигини таъкидлаш ва ақидавӣ-фикҳӣ масалаларни Имом Аъзам Абу Ҳанифа мазҳаби доирасида халққа тушунтириш мақсадида ёзилган[6:118].

Академик Б.Валихўжаев «Саботул-оҷизин» билан мумтоз шоирлар дostonларидаги ижтимоӣ ва ахлоқӣ муаммоларнинг ўртага қўйилишида умумийлик борлиги, айни пайтда бу асарнинг бажариши лозим бўлган вазифаси нуқтаи назаридан ўзига хослик томонлари мавжудлигини ҳам уқтиради. Умумийлик томони шундаки, тилга олинган дostonлар ёки шоирларнинг ижодидаги асосӣ муштараклик ахлоқӣ-таълимӣ фикрларни ифодалаш, комил инсонни

тарбиялашни бош вазифа сифатида қарашдир. Бажариши лозим бўлган вазифаси шундан иборатки, «Саботул-оҷизин»да ҳазрат Сўфи Оллоёр илми калом ва илми фикҳда зикр этилган масалаларни тушунарли тарзда баён этиб, инсонларнинг эътиқоди, имони, диёнатини мустаҳкамлашни, уларнинг ўзлигини ва Холиқни танишлари билан боғлиқ масалалардан сўз юритишни мақсад қилиб қўйган ва бу мақсадни муваффақият билан амалга оширган[1:7].

Сўфи Оллоёр асарлари, айниқса, «Сабот ул-оҷизин»и ўқувчи имонини нурлантира оладиган манзумадир. Бу манзуманинг зиёсидан кўнгли ёришган киши жаҳолат зулматидан, албатта, қўрқмайди. Чунки бу зиё мустақил ва орифона, ирфонӣ тушунчага эга собит эътиқодли одам учун янада фикрий мустақиллик ва ўз-ўзига ишонч имкониятларини очади. Бу ишонч эса кураш мазмунини қамраб олгандир. Ислomда икки турли жиҳод борлиги маълум. Биринчиси-улуғ жиҳод бўлиб, у ботинӣ кураш, нафс билан боғлиқ гуноҳ ва гумроҳликларга қарши ички жангни ифодалайди ва шунга даъват этади. Бу кураш худпарастлик, ақлий маҳдудлик, шафқатсизлик, дилозорлик сингари қусур ва иллатлардан тамоман покланишни шарт қилиб қўяди. Шу маънода «Сабот ул-оҷизин»да муаллиф шахсияти бир ибрат тимсолига айлангандир. Шоир ўзининг қусур ва камчиликларидан баҳс очаркан, фавқулodда самимият ва ростгўйлик билан ўз иқrorларини ҳам баён қилади. Мана у бир ўринда нима деган:
Илоҳо, бандаман, бечорадурман,
Ҳавойи нафс ила оворадурман.
Эрурман барча нуқсонимга иқror,



Мусулмон ўғли қилмас ишларим бор.
Эрурман бандаларни сарнигуни,
Тўлай ёру биродарлар забуни.
Манингдек осий бўлгайму жаҳонда,
Гуноҳим зоҳиримдин кўп ниҳонда.
Нетай чун айни ақлим бешиёдур,
Амал ҳам йўқ, агар қилсам риёдур.
Одатда инсон ёлғизлик мақомига юз
бургач, ташқи муҳитга нисбатан унинг
қарашлари тозаланиб, табиий тарзда
ўзининг ботиний дунёсига чекинади. Бу
ҳолатда у ҳеч бир пайт ўзлигини
назардан четда қолдирмайди. Яъни
комиллик даъвосидаги инсон
ўзлигининг туб илдизларини кўрмоқ
учун энди доимий равишда ўзига нигоҳ
ташлаб номукамал ўзлигини кўриб
**турарди. Ана шунда у ўзича Блез
Паскал айтмоқчи, одам фаришта ҳам
эмас, йиртқич ҳам эмас, деган бир
хулосага келади. Гап шундаки, бу
хулоса англаш ва сезиш, қайғуриш ва
надомат чекиш туйғуларини
ўткирлаштиради[2:140-141].**

Сўфи Оллоёрнинг «Мурод ул-орифин»
номли асари форс тилида ёзилган. Бу
йирик фалсафий асар бўлиб, тасаввуф
таълимотини янги фикр, янги
мулоҳазалар билан бойитган. Умуман,
«Мурод ул-орифин» наср ва назм
вобаста этиб яратилган бир бутун
фалсафий манбадир. Ўзбекистан Фанлар
Академияси Шарқ кўлёмалари
тавсифида «Мурод ул-орифин»га
ёзилган иккита шарҳ ҳақида ҳам
маълумот учрайди.

«Мурод ул-орифин» мундарижасини
муаллиф шундай белгилаган: «Чун ин

китоб дар баёни аҳам сўфийя ва қисми
сўфийя ва улуми эшон ва русуми эшон
аст». Яъни бу китоб сўфийликнинг
аҳамияти, сўфийларнинг қисмати,
сўфийлик илмлари ва уларнинг
одатлари ҳақидадир. Бундан шу нарса
англашиладики, олимнинг мазкур
китоби сўфийлик сулуки ҳақида махсус
тадқиқот, муҳим қўлланма. Бу нарса
унинг бизнинг давримиз учун ҳам
илмий аҳамиятини белгилайди.

Мазкур даврда нақшбандия тариқати
ҳам бўйига, ҳам энига қараб тараққий
этди. Сўфи Оллоёр ҳам ўз асарларида
нақшбандия тариқатининг ана шу
фазилатларидан ижодий фойдаланди.
Фақат бугина эмас, у «Мурод ул-
орифин» номли йирик фалсафий асар
яратиб, бу таълимотни янги фикр, янги
мулоҳазалар билан бойитди. Сўфи
Оллоёрнинг хизмати яна шундаки, агар
Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам каби
аллома бобокалонларимиз нақшбандия
тариқати таълимотларини ижтимоий
ҳаётга татбиқ этишда намуна кўрсатган
бўлсалар, Сўфи Оллоёр нақшбандия
тариқатининг барча даврлар учун
долзарб, миллий-шарқона ва
умуминсоний ахлоқий-таълимий
қарашларини ибодат жараёнига,
мактаб-мадрасалар, таълимий тизимга
олиб кирди. Бу эса унинг катта
фазилатидир. Сўфи Оллоёр ўзининг ана
шу хизмати билан даврларнинг,
миллионлаб кишиларнинг муаллими ва
мураббийсига айланди, десак муболаға
бўлмас[3:416].

References:

1. Аллаёрова Нилуфар Яхшиноровна. Сўфи Оллоёр “Саботул-ожизин” асарининг маърифий йўналиши ва бадиияти. Автореферат. –Самарқанд: 2002.



2. Иброҳим Ҳаққул. Мутасаввиф аллома //Адабиёт кўзгуси, илмий тўплам, 1998, №1.
3. Иноятулла Сувонқулов. Сўфи Оллоёр / Буюк юрт фарзандлари. –Т.: Ўзбекистон, 2016.
4. Комилов Н. Бу қадимий санъат. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
5. Тузувчи: Ботирбек Ҳасан. “Рисолайи Азиза”-“Саботул ожизин” шарҳи. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2000.
6. Шухрат Сирожиддинов. Илм ва тахайюл сарҳадлари. –Т.: Янги аср авлоди, 2011.